

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 - МАХСУС СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3**

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE - 3**



**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Алима Ауанасова</b> ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
<b>2. Максим Моисеев</b> РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
<b>3. Рахбар Холиқова</b> TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
<b>4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова</b> ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
<b>5. Дурдонахон Муродова</b> ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
<b>6. Авазбек Мирзаев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
<b>7. Саҳодат Муртазова</b> “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
<b>8. Шухратжон Абдуллоев</b> БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
<b>9. Исломбек Бобожонов</b> ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
<b>10. Бобурмирзо Ботиров</b> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
<b>11. Хумоюн Назаров</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
<b>12. Баҳрам Намозов</b> ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
<b>13. Файзулла Очилдиев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


<b>14. Turdigul Omirzakovna</b> QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
<b>15. Мухиддинжон Примов</b> XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
<b>16. Азиз Равшанов</b> ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
<b>17. Гулчехра Рахимова</b> ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
<b>18. Екатерина Смесова</b> ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
<b>19. Жасур Савриев</b> НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
<b>20. Музаффар Тожибоев</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
<b>21. Сайёра Тураева</b> ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
<b>22. Тўракул Ҳасанбоев</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
<b>23. Шермухаммат Эрназаров</b> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
<b>24. Ахмеджон Юсупов</b> САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
<b>25. Алишер Эсанов</b> ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
<b>26. Миролим Бердикулов</b> ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Миролим Тугалвиевич Бердикулов,  
Самарқанд давлат университети таянч докторанти

## ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида)

**For citation:** Mirolim T. Berdiqulov, STONE TOOLS OF TODA-1 NEOLITHIC CAVE (Based on resources of excavation in 2017-2018). Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.197-205

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583235>

### АННОТАЦИЯ

Мақола Жанубий Ўзбекистоннинг Бойсун тоғларидаги неолит даврига оид Тўда-1 ғор маконидан топилган тош қуролларининг техник-типологик таснифига бағишланган. Тўда-1 неолит маконининг тош қуроллари кам сонли бўлсада, улар 11 хил типларга ажралади. Улар асосан пластиналар ва учириндилардан ишланган. Айрим ҳолларда қурол ясашда тош плитка ёки табиий синиқлардан ҳам фойдаланилган. Тўпламнинг тош қуроллари орасида атипик қирғиччалар, кесгичлар, ретушланган пластиналар, ретушланган пластинкалар, ретушланган микропластинкалар, тош болта, геометрик қурол, тош бигиз, тиғ, композит қурол ва ретушланган учириндилардан таркиб топган.

Тўда-1 маконида учириндилардан асосан кесгичлар, қирғиччалар ва ретушланган буюмлар ишлаб чиқарилган бўлса, пластиналарнинг аксарияти ўйиб-кертиб ишланган ва майда ретушланган қуроллар ясашда фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** Бойсун, тош қуроллар, тиғ, атипик қирғиччалар, кесгич, ретушланган пластиналар, ретушланган пластинкалар, ретушланган микропластинкалар, тош болта, геометрик қурол, композит қурол, ретушланган учириндилар, ушатғич.

Миралим Тугалвиевич Бердикулов,  
Докторант Самарқандского государственного университета

## КАМЕННЫЕ ОРУДИЯ НЕОЛИТИЧЕСКОЙ СТОЯНКИ ТОДА-1 (по материалам раскопок 2017-2018 гг.)

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящается к технико-типологической классификации каменных орудий неолитического грота Тода-1 в горах Байсунтау на юге Узбекистана. Несмотря на малочисленность, каменные орудия неолитической стоянки Тода-1 разделяется на 11 типов. Они в основном изготовлены из пластин и отщепов. Для выделки каменных орудий реже использовались каменные плитки или естественные обломки. Каменные орудия коллекции состоит из атипичных скребков, резцов, ретушированных пластин, пластинок и

микропластинок. В наборе также представлены каменный топор, геометрического орудия, каменной проколки, остроконечника, композитного орудия и ретушированных отщепов.

Из отщепов на стоянке Toda-1 в основном изготовывались резцы, скребки и ретушированные предметы, то большинство из пластин имеют зубчато-выемчатые края, а также они использовались для выделки орудий с мелкой ретушью.

Ключевые слова: Байсун, каменные орудия, остроконечник, атипичные скребки, резец, ретушированные пластины, ретушированные пластинки, ретушированные микропластинки, каменный топор, геометрическое орудие, композитное орудие, ретушированные отщепы, отбойник.

**Mirolim T. Berdiqulov,**

Doctorate of Samarkand State University

## STONE TOOLS OF TODA-1 NEOLITHIC CAVE

(Based on resources of excavation in 2017-2018)

### ABSTRACT

The article is devoted to the technical-typological classification of stone tool found in the Neolithic cave Toda-1 in the Bajsunsky foothills of southern Uzbekistan. Although the Neolithic stone tools of Toda-1 are few in number, they can be divided into 11 different types. They are mainly made of plates and flakes. In some cases, stone slabs or natural fragments were also used in the manufacture of weapons. The stone tools in the set include atypical scrapers, cutters, retouched blades, retouched bladelet, retouched microblades, stone axes, geometric tool, stone chisels, knives, composite tool and retouched flakes. In the Toda-1 area, flakes were mainly used to make cutters, scrapers, and retouched items, while most of the blades were used to make engraved and finely retouched micro weapons.

Index Terms: Bajsunsky, stone tool, knives, atypical scrapers, cutters, retouched blades, retouched bladelet, retouched microblades, stone axes, geometric tool, composite tool, retouched flakes.

### 1. Долзарблиги:

Жанубий Ўзбекистон, хусусан, Сурхондарё вилояти, Бойсун тоғлари тош даврига оид рангбаранг ёдгорликларга бой ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ерда ўрта палеолит давридан бошлаб тош даврининг барча босқичларига оид маданиятлар тараққиёти ўз аксини топган. Ўрта палеолит даврига Тешик-тош, Амир-Темир, Катта-Қўрғон (Окладников, 1940. -С. 67-69; 1949. -С. 7-85), сўнги палеолитга: Тешик-тош-2 (Деревянко и др., -С. 101-105), Мачай-2 ва Қоронғудара, мезолит даврига Мачай ғори (Исламов, 1976. -С. 1-125) ва неолит даврига Қайнар-Камар (Нишиаки и др., 2018. -С. 24) ва янги очилган Тўда-1 ғор (Синг, Сайфуллаев, 2018. -С. 148-157) маконлари киради. Бу каби қадимий ёдгорликларнинг тадқиқ этилиши Ўзбекистоннинг кўҳна тарихини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

### 2. Методлар:


Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлилик, изчиллик, холисоналик каби тамойиллари асосида ёритилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Тўда-1 ғори 2016 йилда Ўзбекистон-Хитой халқаро ҳамкор экспедицияси ходимларидан Ж. Синг ва У. Рахмоновлар томонидан топилган. Ёдгорлик денгиз сатҳидан 1100 м баландликда, Бойсун шаҳридан 15 км ғарбда жойлашган. Ғор охактошли жинслардан таркиб топган бўлиб, Бойсун тоғларининг жанубий шаҳобчаларидан бирида жойлашган. Ғорнинг кириш қисми баландлиги 3 м, эни 5 м келадиган ассиметрик учбурчак шаклида бўлиб, шарққа қараган. Тўда-1 ғорининг узунлиги 15, эни эса 7 м гача етади. 2018 йилги мавсумда ғорнинг Т-1, Т-2 ва Т-3 қазилмаларида қазил ишлари олиб борилди ва уларнинг майдони 2x3 м ҳамда репер нуқтасидан 485 см чуқурликкача етказилди.


Тўда-1 ғори маданий ётқизикларидан неолит даврига оид тош ва суякдан ишланган буюмлар, ҳайвон суяклар, кўмир ва кул қолдиқлари аниқланган. Қуйида биз Тўда-1 ғоридан

2017-2018 йиллардги қазилмалардан олинган тош қуролларининг техник-типология таснифига тўхталамиз. Тўда-1 ғори тош индустрияси ёдгорликдан бир неча юз метрлар шарқроқда жойлашган жигарранг кремний ҳамда ёдгорликдан пастрокдаги сой ўзанидан танлов асосида йиғиб олинган қайроқтош, кремнийлашган охактош, айрим ҳолларда яшил кремний ва бошқа жинслардан ишлов берилган. Шунингдек тош буюмлар ясашда Бойсун тоғ тизмаларида мавжуд бўлган доломит ва кремнийлашган охактошнинг плиткасимон бўлакларидан ҳам кенг фойдаланилган. Тўпланда тош қуроллар кўп эмас. Уларнинг деярли барчаси жигарранг кремний ва кремнийлашган охактошдан бўлган тош жинсларидан ишланган. Коллекциянинг тош қуролларини бир қатор типология гуруҳларга ажратиш мумкин. Тўпланда бир дона жигарранг кремнийли учириндидан ишланган тиг мавжуд ва унинг ҳажми 30x18x4 мм. Учириндининг зарб майдончаси фасеткалаштирилган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга. Буюмнинг чап латерали дорсалга йўналтирилган микроретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг шакли тўғри чизиксимон. Учиринди оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқланган (расм 1).




1-расм

Коллекцияда 3 та алоҳида ординар ва 1 та кесгич билан композициялашган атипик кўринишдаги қирғиччалар аниқланди. Улардан бири тирноқсимон шаклли бўлиб, жигаррангли кремнийли майда учириндидан ишланган ва ҳажми 13x17x7 мм. Учириндининг зарб майдончаси текис, дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр характерга эга. Қирғичча қирраси буюмнинг кўндаланг дисталида дорсалга йўналтирилган ярим тик субпараллель ретушлаш ёрдамида шакллантирилган. Иш қиррасининг шакли юмалоқ. Учиринди оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқланган (расм 2).



2-расм.

Тўпланиннг навбатдаги қирғиччаси жигарранг кремнийли учириндидан ишланган ва ҳажми 14x11x7 мм. Қирғиччаниннг иш қирраси учириндининг чап латерали ва дисталида дорсалга йўналтирилган ярим тик субпараллель ретушлаш ёрдамида шакллантирилган. Иш қиррасининг шакли бўртиб чиққан. Учириндининг дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга. Буюмнинг проксимал қисми қирғичча




3-расм.

шакллантирилганидан кейин синиб қолган. Қирғичча ретушлари учириндининг ўзидан кўра камроқ патинизациялашган (расм 3). Коллекциянинг ушбу тоифадаги сўнги буюми жигарранг кремнийли учириндидан ишланган ва ҳажми 28x19x11 мм. Буюм бутун периферияси бўйлаб ярим тик йўнишлар ва ретушлашлар ёрдамида ишлов берилган. Қирғиччаниннг иш қирраси учириндининг кўндаланг дисталида дорсалга йўналтирилган ярим


тик субпараллель ретушлаш ёрдамида шакллантирилган. Иш қиррасининг шакли бўртиб

чиққан. Учириндининг дорсалида термик характердаги йўнилғи излари сақланиб қолган (расм 4). Тўда-1 неолит макони тош қуроллари орасида кесгичлар ҳам аниқланди. Уларнинг барчаси ординар бурчак кесгичлар ҳисобланади. Улардан бири кремнийлашган охактошли учириндининг чап дисталь бурчагида чап латералга ва кўндаланг дисталга йўналтирилган кесгичсимон йўнишлар ёрдамида шакллантирилган.




4-расм.

Учириндининг зарб майдончаси икки фасеткали ва узунасига текисланган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллель характерга эга. Учиринди оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқланган ва ҳажми 32x52x15 мм (расм 5). Тўпланиннг навбатдаги




5-расм.

кесгичи кремнийлашган охактошли пластинанинг ўнг проксимал бурчагида ўнг латералга ва кўндаланг проксималга йўналтирилган кесгич йўнилғилари ёрдамида шакллантирилган. Пластинанинг ҳажми 26x12x4 мм, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга. Пластинанинг чап латерали дорсалга йўналтирилган ярим тик тишсимон ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Ушбу қирранинг шакли зигзагсимон (расм 6).





Коллекциянинг ушбу тоифадаги навбатдаги буюми ҳам кремнийлашган охактошли учириндининг чап дисталь бурчагида кўндаланг дисталга ва чап латералга йўналтирилган кесгич йўнилғилари ёрдамида шакллантирилган. Учириндининг зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр-субпараллель характерга эга. Учиринди оғир тош ушатғич ёрдамида чақмоқланган ва ҳажми 18x29x4 мм (расм 7).

Коллекциянинг ретушланган пластиналаридан бири жигарранг кремнийдан ишланган ва ҳажми 28x17x5 мм. Пластинанинг чап латерали дорсалга йўналтирилган микроретушлаш ёрдамида ишлов берилган ва иш қиррасининг шакли бўртиб чиққан. Пластинанинг ўнг латерали эса вентраль тарафдан микро ва ординар ретушлашлар ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг шакли S-симон. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллель характерга эга.




Буюмнинг дистали унга ишлов берилганидан кейин синиб қолган (расм 8). Ушбу тоифадаги навбатдаги буюм доломитдан ишланган ва ҳажми 27x17x5 мм. Пластинанинг чап латерали дорсалга йўналтирилган микротишсимон ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг шакли эгик. Пластинанинг ўнг латерали дорсалга йўналтирилган тишсимон ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Ушбу қирранинг шакли зигзагсимон. Пластинанинг зарб майдончаси унга ишлов берилганидан кейин синиб қолган, дорсалидаги

йўнилғи негативлари узунасига-конвергент кўринишга эга (расм 9). Тўпламнинг навбатдаги ретушланган пластинаси жигарранг кремнийдан ишланган ва ҳажми 27x11x3 мм. Пластинанинг ҳар иккала латераллари ҳам дорсалга йўналтирилган ярим тик ординар ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қирраларининг шакли эгик. Пластинанинг зарб майдончаси икки фасеткали, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга. Пластина юмшоқ тош ушатғич ёрдамида чақмоқланган (расм 10).



Коллекциянинг қуроллари орасида энг катта гуруҳни ретушланган пластинкалар ташкил қилади. Улардан бири жигарранг кремнийдан ишланган ва ҳажми 26x9x3 мм. Пластинканинг ҳар иккала латераллари ҳам дорсалга йўналтирилган ярим тик ординар ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қирраларининг шакли эгик. Пластинканинг зарб майдончаси текис, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга.

Пластинка энгил тош ушатғич ёрдамида чакмоқланган (расм 11).




11-расм.




12-расм.

Тўпламнинг ушбу тоифадаги навбатдаги буюми ҳам жигарранг кремнийдан ишланган бўлиб, ҳажми 15x7x2 мм. Пластинканинг ҳар иккала латераллари ҳам дорсалга йўналтирилган микроретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қирраларининг шакли тўғри чизиксимон. Пластинканинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-параллель характерга эга. Пластинканинг дисталь учи унга иккиламчи ишлов берилганидан кейин синиб қолган. Пластинка воситачи мослама ёрдамида чакмоқлаб олинган (расм 12). Коллекциянинг ушбу тоифадаги навбатдаги қуроли ҳам жигарранг кремнийдан ишланган ва ҳажми 15x7x3 мм. Пластинканинг ҳар иккала латераллари ҳам дорсалга йўналтирилган ярим тик микроретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қирраларининг шакли чап латералда бўртиб чиққан, ўнг латералда эса тўғри чизиксимон. Пластинканинг зарб майдончаси текис, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллель характерга эга. Пластинканинг профили қайрилган ва у воситачи мослама ёрдамида чакмоқлаб олинган (расм 13).



13-расм.


Коллекциянинг микропластинкаларидан фақат иккитасигагина иккиламчи ишлов берилган. Улардан бири яшил кремнийдан ишланган бўлиб, ҳажми 19x5x2 мм. Микропластинканинг ҳар иккала латералига ҳам дорсалга йўналтирилган ярим тик микроретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қирраларининг шакли тўғри чизиксимон. Микропластинканинг проксимали унга ишлов берилганидан кейин синиб қолган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-параллель характерга эга (расм 14). Тўпламнинг ушбу тоифадаги навбатдаги буюми кучли кремнийлашган охактошдан ишланган ва ҳажми 22x5x2 мм. Микропластинканинг чап латерали вентралга йўналтирилган микроретушлар ёрдамида ишлов берилган.



14-расм.


Иш қиррасининг шакли зигзагсимон. Микропластинканинг ўнг латерали эса дорсалга йўналтирилган микроретушлаш ёрдамида ишланган ва иш қиррасининг шакли тўғри чизиксимон. Микропластинканинг зарб майдончаси икки фасеткали, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-

параллель характерга эга. Микропластинка эзма техника ёрдамида чакмоқлаб олинган. Буюмнинг дистали унга ишлов берилганидан кейин синиб қолган (расм 15). Тўда-1 неолит макони коллекцияда бир дона геометрик қурол аниқланди (трапеция). У жигарранг кремний пластинадан шакллантирилган ва ҳажми 36x15x4 мм. Буюмнинг қўндаланг проксимали ва дистали ўнг латералга қиялашган ва дорсалга йўналтирилган ўтмаслаштирувчи ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Пластинанинг ўнг латерали ҳам худди шундай дорсалга йўналган ўтмаслаштирувчи ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Қуролнинг ўткир қиррали чап латерали эса унинг иш қирраси вазифасини ўтаган. Иш қиррасининг шакли эгик. Пластинанинг




15-расм.

дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига субпараллель характерга эга (расм 16).




16-расм.



17-расм.


Коллекцияда бир дона тош бигиз аниқланган бўлиб, у жигарранг кремнийли учириндининг фрагментидан шакллантирилган ва ҳажми 16x12x10 мм. Бигизнинг ниши учириндининг чап дисталь бурчагида иккиёклама ординар анкошлар ёрдамида ажратилган. Шунингдек учириндининг вентраль тарафидан тағйўниш ҳам амалга оширилган. Учириндининг дорсалидаги йўнилғилар перпендикуляр характерга эга ва қисман табиий қобик билан қопланган (расм 17).

Ёдгорликнинг тош қуролари орасида бир дона кремнийлашган охактош плиткадан ишланган тош болта ҳам учрайди. У бир зарб майдонли қолдиқ нуклеусдан ишланган ва ҳажми 58x62x30 мм. Болтанинг иш қирраси бир зарб майдонли нуклеуснинг дисталь учида унинг иш юзасига йўналтирилган ярим тик йўнишлар ва ретушлар ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг шакли эгик. Шунга ўхшаш буюмлар Мачай ғорида тош болталар деб тасниф қилинган[2] (расм 18).




18-расм

Тўпламнинг кўп сонли учириндиларидан яна 4 тасига қўшимча ретушлар амалга оширилган. Улардан бири доломитдан ишланган ва ҳажми 28x26x7 мм. Учириндининг чап латерали вентралга йўналтирилган ординар ретушлар ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг шакли тўғри чизиксимон. Учириндининг проксимали синиб қолган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга (расм 19). Ушбу тоифадаги иккинчи буюм кучли кремнийлашган охактошдан ишланган ва ҳажми 24x22x10 мм.



19-расм.

Учириндининг зарб майдончаси фасеткалаштирилган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллель характерга эга. Учириндининг кўндаланг дистали дорсалга йўналтирилган ярим тик ординар ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг шакли бўртиб чиққан. Учиринди оғир ушатғич ёрдамида чакмоқланган (расм 20).



Тўда-1 ғори коллекциясида бир дона композит қурол аниқланган бўлиб, у жигарранг кремнийли учириндидан ишланган ва ҳажми 31x24x13 мм. Учириндининг кўндаланг дистали дорсалга йўналтирилган ярим тик субпараллель ретушлаш ёрдамида қирғичча ҳосил қилинган. Иш қиррасининг шакли юмалоқ. Сўнгра учириндининг чап проксимал бурчагида проксималга ва чап латералга йўналтирилган кесгич йўнилғилари ёрдамида бурчак кесгичи шакллантирилган. Учириндининг зарб майдончаси фасеткалаштирилган, дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр характерга эга. Учиринди оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқланган (расм 21).

#### Жадвал №1.

#### Тўда-1 неолит макони тош қуролларининг тип-варақаси (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида)


№	Тип	Сони
1	Тиф	1
2	Қирғиччалар	3
3	Кесгичлар	8
4	Ретушланган пластиналар	12
5	Ретушланган пластинкалар	14
6	Ретушланган микропластинкалар	2
7	Геометрик қурол	1
8	Бигиз	1
9	Тош болта	1
10	Ретушланган учириндилар	4
11	Композит қурол (қирғичча+кесгич)	1
Жами:		48

#### 4.Хулосалар:

Шундай қилиб, 2016 йил топилган ва 2017 йилдан буён тадқиқ қилинаётган Тўда-1 неолит макони тош қуроллари кам сонли бўлсада, улар рангбаранг типларни қамраб олади. Тош қуроллар пластина, пластинка, микропластинкалар ва асосан учириндилардан ишланган. Маконда сифатли хомашёнинг танқислиги кўзга ташланиб туради. Бу ерда сифатли материаллардан ишланган нуклеуслар деярли учрамайди. Эҳтимол, улар охиригача ишлов берилганидан сўнг қандайдир қуролларга айлантириб юборилган. Тўда-1 ғорининг тош индустриясини майда-микро индустрияли комплекслар қаторига қўшиш мумкин. Унга

якин аналогиялар сифатида Мачайдарадаги Қайнар-Камар ва Зарафшон воҳасидаги Сазагон неолит даври материалларини келтириш мумкин (расм. 22).

Тош қуролларнинг таркибига кўра тўдалиқлар овчилик, теримчилик ва зироатчилик, шунингдек терига ва суякка ишлов бериш каби хўжалик фаолиятларини юритганлар.



22-расм.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Деревянко А.П., Ширинов Т.Ш., Анойкин А.А., Борисов М.А., Гладышев С.А. Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы годовой сессии ИАЭТ СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. (. Derevianko A.P., Shirinov T.Sh., Anoinin A.A., Borisov M.A., Gladyshev S.A. Research of the Teshik-Tash-2 grotto (Republic of Uzbekistan) // Problems of archeology, ethnography, anthropology of Siberia and adjacent territories: Materials of the annual session of the Institute of Archeology and Ethnography SB RAS 2003, dedicated. 95th anniversary of the birth. Academician A.P. Okladnikov. - Novosibirsk: Publishing house of IAE SB RAS, 2003. - T. IX, part I.)
2. Исламов У.И. Пещера Мачай. -Ташкент: Изд-во "ФАН". 1976. (Islamov U.I. Machai cave. Tashkent. Publishing house "FAN". 1976.)
3. Нишиаки Т., Сулейманов Р.Х., Арипджанов О., Сайфуллаев Б.К., Эргашев О.Т. Отчет о проделанных работ в неолитическом гроте Кайнар-Камар (Байсунтау) в 2017 г. Самарканд. Архив ИАИ, Ф-4. 2018 г. (Nishiaki T., Suleimanov R.Kh., Aripdzhanov O., Sayfullaev B.K., Ergashev O.T. Report on the work done in the Neolithic grotto Kainar-Kamar (Baysuntau) in 2017 Samarkand. Archive IAI, F-4. Oct 2018)
4. Жоу Синг, Б.К. Сайфуллаев, М.Х. Хасанов, Т.Ж. Аннаев, У.В. Рахманов. АИ в Узбекистане. -Самарканд, 2018. (Zhou Sing, B.K. Sayfullaev, M.Kh. Khasanov, T. Zh. Annaev, U. V. Rakhmanov. AI in Uzbekistan. Samarkand. 2018.)
5. Окладников А.П. Амир-Темир, новый памятник каменного века в горах Байсун-Таш (Узбекистан) \\\ КСИИМК. – 1940. – Вып. 6. (Okladnikov A.P. Amir-Temir, a new stone-age monument in the Baysun-Tau mountains (Uzbekistan) \\\ KSIIMK. - 1940. - Issue. 6.)
6. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) // Тешик-Таш: Палеолитический человек.– М.: Изд-во МГУ, 1949. (Тр. НИИ антропологии). (Okladnikov A.P. Study of the Mousterian site and the burial of a Neanderthal in the Teshik-Tash grotto, South Uzbekistan (Central Asia) // Teshik-Tash: Paleolithic man.– Moscow: MSU Publishing House, 1949. (Tr. Research Institute of Anthropology).
7. Сайфуллаев Б.К., Жоу Синг. Грот Тода-1 - новая неолитическая стоянка на Байсунтау (Узбекистан) // Археология Узбекистана, 2018 г. №17-18. (Sayfullaev B.K., Zhou Sing. Grotto Toda-1 - a new Neolithic site on Baysuntau (Uzbekistan) // Archeology of Uzbekistan, 2018, No. 17-18.)

### Иллюстрациялар рўйхати:

- 1-расм. Тиф.  
2-4-расмлар. Қирғиччалар.  
5-7-расмлар. Кесгичлар.

- 8-10-расмлар. Ретушланган пластиналар  
11-13-расмлар. Ретушланган пластинкалар.  
14-15-расмлар. Ретушланган микропластинкалар.  
16-расм. Геометрик қурол (трапеция).  
17-расм. Тош бигиз.  
18-расм. Тош болта.  
19-20-расмлар. Ретушланган учириндилар.  
21-расм. Композит қурол.  
22-расм. Тўда-1 ғори материалларига ўхшаш ёдгорликлар харитаси.

## ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

**№SI-3 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000